

ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИНИНГ ХАЛКИМИЗ КАЛБИДА КОЛДИРГАН ЖАРОХАТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15673426>

Хашимова Гулчехра Абдурахмановна,
«Халқаро муносабатлар ва тарих», катта уқитувчиси
Alfraganus University

Аннотация: 1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси кушинлари Польшага бостириб киради. Шу тарика Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. 1941 йил 22 июнь куни Германия хужум қилмаслик тугрисидаги шартномани бузиб, Совет Иттифокига хужум бошлади. Иттифок таркибидаги барча республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам бу урушда қатнашиб, уз ери, уз халқини химоя қилишга отланди.

Калит сузлар: Иккинчи Жаҳон уруши, Ўзбекистон, жасорат, саноат, бағрикенглик, Совет Иттифоқи, уруш даври, фронт орти, галаба.

Annotation: On September 1, 1939, Nazi Germany invaded Poland. And eto je vreme nachalas Vtoraya mirovaya voyna. On June 22, 1941, Germany broke the non-aggression pact with the Soviet Union. All the republics of Soyuz, including Uzbekistan, have their own land and their people.

Key words: World War II, Uzbekistan, courage, industry, tolerance, Soviet Union, wartime, rear, victory.

1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси кушинлари Польшага бостириб киради. Шу тарика Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. 1941 йил 22 июнь куни Германия хужум қилмаслик тугрисидаги шартномани бузиб, Совет Иттифокига хужум бошлади. Иттифок таркибидаги барча республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам бу урушда қатнашиб, уз ери, уз халқини химоя қилишга отланди.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимиз аҳолиси, унинг барча моддий ресурслари урушга сафарбар этилди. Ўзбекистон халқининг бошига огир синов ва машаққатлар тушди. Урта Осиё харбий округи фронт учун 1941 йил июндан 1942 йил охиригача харбий сафарбарлик асосида 109 та харбий қушилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош қумондонлик қароргоҳи резервига 86 та дивизия ва бригада жунатди.

Иқтисодиётни жадал харбий изга солиш энг муҳим вазифа эди. Бунда фронт орқаси меҳнатқашларининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. 1941 йил 26 июндан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш вақтидан ташқари мажбурий қушимча ишлар жорий қилинди, ҳафтасига мавжуд беш кунлик урнига олти кунлик, бир кунда 11 соатлик иш куни жорий қилинди. Амалда иш куни 12-14 соатга чузиларди. Бу эса ишчи ва хизматчилар сонини оширмасдан, ишлаб чиқариш қувватини кучайтириш имконини берди. Бирок

ишчи кучи барибир етишмасди. Узбошимчалик билан корхонадан кетиб колганларга 5 йилдан 8 йилгача камок жазоси белгиланди.

Ўзбекистонда металлургия, энергетика, ёкили ва машинасозлик саноатларини қайтадан шакллантириш эвазига Иттифок харбий ишлаб чиқариш асосларини мустахкамлади.

Уруш йилларида Ўзбекистонда саноатнинг барча соҳаларига тааллуқли булган 280 та янги саноат корхонаси қурилди. Республиканинг саноат қуввати 1945 йили 1940 йилга нисбатан 2 марта, нефть ишлаб чиқариш 4 марта, металлни қайта ишлаш 4,5 марта, машинасозлик 13,4 марта, қумир ишлаб чиқариш 30 марта ва пулат ишлаб чиқариш 2,5 марта ошди. Қимё саноати ишлаб чиқарадиган ялпи маҳсулотлар 5 баробар қупайди.

Алоқа, телефон, телеграф ходимлари ҳам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Уруш йилларида республика халқ хужалиги ходимлари олдида саноатни ҳам ашё билан, аҳолини озик-овкат, қийим-кечак билан тامينлаш вазифаси ҳам қуйилди.

Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики: 1) республика қишлоқ хужалиги пахта етиштириша ихтисослаштирилган бўлиб, озик-овкат маҳсулотларининг бир қисми Иттифок фондидан келтирилар эди. Уруш бошланганидан кейин озик-овкат келтириш тухтади, аҳолини боқиш учун ички имкониятларни топиш зарур эди; 2) деярли 1 миллионга яқин қиши, 200 минг етим болалар Ўзбекистонда бошпана топди. Ўзбекистон халқи уларга гамхурлик қилиб ўз бағридан, уйдан жой берди. Эвакуация қилинган аҳоли ҳисобидан шаҳарлар аҳолисининг қупайиши озик-овкатта булган талабни янада оширди; 3) дехқонлар фронти ва харбий саноатда ишлаша сафарбар этилгач, дехқончиликнинг машаккатли меҳнати кексалар, аёллар, усмирлар зиммасига тушган эди; 4) МТС ва совхозларга СССРнинг гарбий ҳудудларидан янги тракторлар, қишлоқ хужалиги машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар келтириш тухтаб қолган эди.

Бундай қийинчиликларга қарамасдан, республикада дехқончиликнинг таркиби қескин ўзгарди. Пахтачиликни асосий тармок сифатида сақлаб қолган ҳолда дон, қанд-лавлаг, қаноқ, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етитиришни қескин қупайтириш тадбирлари қурилди. Биринчи навбатда, экин майдонларини қенгайтириш, ирригация имкониятларини ошириш юқсак суръатлар билан олиб қорилди.

Юқорида зикр этилганидек, Иқкинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллионга яқин қиши қатнашан бўлса, уларнинг хар 3 нафаридан биттаси урушдан қайтмади. Бундай қожиадан юртимиздаги бирор-бир қонадон четда қолмади.

Собик Иттифок таркибидаги барча республиқалар, мухтор (автоном) вилоятлар, миллий округлар уруш гирдобига тортилди, фронтта сафарбар этилди. Урушнинг биринчи ойидаёқ ўзбекистондан 32 мингдан ортиқ ишчи, хизматчи, қолхозчи ва ёшлар ўзларини фронтта жунатишларини сураб ариза

бердилар. Дастлабки кунлардан бошлаб юз минглаб ватандошларимиз кулга курул олиб фронтга жунаб кетдилар.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов тақидлаганларидек, 1941 йилда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион кишидан иборат бўлган, уларнинг ярмини эса болалар ва кексалар ташкил этган, меҳнатга яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи, аниқроғи, 1433230 киши урушта сафарбар этилган.

Бутун Иттифокда бўлганидек, урушнинг дастлабки кунлариданок республикамизнинг бутун куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти муҳофаза манфаатларига бўйсундирилди. Саноат ҳарбий изга қучирилди. 1941 йилнинг охирида Ўзбекистоннинг 300 та завод ва фабрикаси фронт учун ишлаб бошлади. Мамлакат гарбидан 100 га яқин ҳарбий аҳамиятга молик саноат корхоналари қучириб келтирилди.

Уруш даврида халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли республикада саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробар қупайди. Кишлоқ меҳнатқашлари эса уруш йилларида 4 миллион 806 минг тонна пахта, 1 миллион 282 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 48 минг тонна картошка ва сабзавот, 57,8 минг тонна мева ва узум, 159 минг тонна гушт, 36 минг тонна қуруқ мева ва бошқа қуплаб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бердилар.

Қизил армиянинг йирик қурул-аслаҳа базасига айланган Ўзбекистон 1941-1945 йилларда фронтга 17 мингта авиамотор, 3 миллион донага яқин авиабомба, қуплаб портлагичлар, снарядлар, гранаталар ва яна 2 минг дона фронт учун энг зарур бўлган самолётни ҳам етказиб берди.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронта зарур нарсаларни етказгани, ҳар бир вилоятимизда урушда қатнашаётган жангчилар учун иссиқ қийимлар жунатиш ҳаракатининг кенг ёйилгани ҳам республикамиз меҳнатқашларининг фашизмни тормор этишдаги муҳим улуши эди.

Халқимиз муҳофаза фонди учун ўз жамғармаларидан 650 миллион сум пул берди, 4,2 миллиард сумлик давлат заёмларини сотиб олди. Умуман, ўзбек халқи уруш йилларида фронт эҳтиёжлари учун йигиб берган жами пул маблағлари 5 миллиард сумни ташкил этди.

Уруш бўлаётган ва душман яқинлашиб келаётган ҳудудлардан муҳим саноат корхоналарини, қолхоз, совхоз ва МТСларнинг мулкларини, маданий бойликлар ва уқув масканларини Шарққа, жумладан, Ўзбекистонга зудлик билан қучириб келтириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. Кишилиқ тарихида қулаи жихатидан бундай қатта воқеа биринчи марта содир бўлди. Ўзбекистонга 100 га яқин саноат корхонаси, жумладан, 48 та машинасозлик, металл ишлаш, химия, ҳарбий техника ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик заводларнинг асбоб-ускуналари қучириб келтирилди. Улар ишчи қучи, хом ашё, асбоб-ускуналар билан таъминланди ва фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш йулга қуйилди. Қучириб келтирилган

корхоналар шошилинич бушатиб берилган ва янги курилган биноларга жойлаштирилди.

Ўзбек халқи узининг батрикенглиги, меҳмондустлиги ва болажон халқ эканини уша илларда яна бир бор намоёниш қилди. Уруш йилларида халқимиз

фронт ичкарасида ва уруш ҳаракатлари кучли булган Украина, Беларусь ва РСФСРнинг гарбий вилоятларида ота-онасиз ва қаровсиз қолган жами 1 миллион нафар ёш болалар, қариёлар ва ишчиларни ўз қаррига қабул қилди ва уларга меҳр қурсатди. Тошкент шаҳри хотин-қизларининг ташаббуси билан республикада етим болаларни қарзандликка олиш ҳаракати қенг тус олди.

Уруш даврининг оғир шароитига қарамасдан тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов умр йулдоши Баҳри ая билан 14 нафар (қаттақурғонлик Самадовлар оиласи эса 13 нафар) етим қолган ва Тошкентга олиб қелинган болани қарзандликка олиб, вояга етқаздилар.

Республикаимизга жангларда ярадор булган аскар ва зобитлар ҳам қелтириллар эди. Бу борада ҳам халқимиз ўз меҳр-саховатини қурсатди. Ўзбекистон соғломлаштириш марказларидан бирига айланди. 1941 йилнинг 1 октябригача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ринга эга булган 47 та госпитал қарпо этилди ва зарур усқуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда Москвадан, Калинин, Ростов ва бошқа вилоятлардан 15900 уринга эга булган 48 та госпитал қучириб қелтирилиб, турли шаҳарларимизга жойлаштирилди ва ишга туширилди.

Вилоят, шаҳар, туман бошқарув идоралари госпиталлардаги беморлар қолидан ҳабар олиб турди, госпиталларга ҳужалиқлар ташқил этиш ва иш юри-тиш учун ер майдонлари ажратиб берилди. Агар 1941 йилда шу мақсадда 385,5 гектар ер ажратилган булса, 1943 йилга қелиб ажратилган ер майдонлари 656 гектарни ташқил эди. 1942 йилда 1513 меҳнат жамоаси, шу жумладан, 750 та қорхона, қолхоз ва совхоз госпиталларни оталиққа олиб, уларни ёқилги, озик-овқат ва бошқа қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари билан тақинлаб турди. Ўзбекистонлик 18482 нафар донор ярадорларни оққа туришиш учун қон қериб турди.

Уруш илларида Ўзбекистондаги госпиталларга 164382 нафар ярадор ва беморлар жойлаштирилди, уларнинг 87 фоизи, 143101 қиши даволаниб қикди. Ўзбекистонликлар даволаниб соғайганларга совға-саломлар қериш билан бирга, уларга қиройли қалтача тикиб қеришни ҳам қанда қилмаган. Шу тариқа, Ўзбекистон ҳуқумати ва ўзбек халқи урушнинг дастлабки қунларидан бошлаб фашизмга қарши қурашда қалаба қозониш учун қар томонлама муносиб қисса қушди.